

Имом Термизий халқаро
илмий-тадқиқот маркази

Буюк термизийлар

Имом Термизий

1



Тошкент – 2021

УЎК 28(09)

КБК 86.38

У 14

Уватов У.

Имом Термизий [Матн] : маънавий-маърифий /

У. Уватов О.Жўраев. – Тошкент: “Shamsuddinxon Boboxonov”

НМИУ, 2021. – 104 б.

Масъул мухаррир

У. Уватов – тарих фанлари доктори, профессор

Тақризчи

Ш. Умаров – тарих фанлари бўйича

фалсафа доктори (PhD),

Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот

маркази директори

Ушбу рисолада буюк ватандошимиз, машҳур муҳаддис, аллома Абу Исо Муҳаммад Термизий ҳаёти ва илмий-маърифий мероси ҳақида маълумотлар тўпланган. Рисола мактаб ўқувчилари ва кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил
18 мартдаги 2058-сонли хулосаси асосида нашрга
тайёрланди

ISBN 978-9943-12-627-5

© У. Уватов О.Жўраев, 2021

© “Shamsuddinxon Boboxonov” НМИУ, 2021

Мундарижа

Сўзбоши	4
Имом Термизий	6
Алломанинг исми-шарифи	6
Туғилиши ва вафоти	8
Ота-онаси ким бўлган?	8
У зот ким эди?	9
Имом Термизийнинг ёшлик йиллари	10
Имом Термизий яшаган давр	11
Илм йўлида ўзга юртларга сафарлари	12
Устозлари	13
Шогирдлари.	14
Асарлари	15
“Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ” (“Саҳиҳ тўплам”) асари ..	17
“Аш-Шамоил ан-Набавиййа” (“Пайғамбарга хос сийрат ва фазилатлар”) асари	22
Имом Термизий ҳамда	
Имом Бухорийнинг ўзаро илмий алоқалари	23
Имом Термизий мероси ва мустақиллик	27
Хулоса	32
Имом Термизий ҳақида	
уламоларнинг фикрлари	34
Имом Термизий томонидан “Сунан ат-Термизий” да ривоят қилинган ҳадислардан намуналар	39
Фойдаланилган адабиётлар	49

Сўзбоши

Муқаддас заминимиз азалдан инсоният тамаддуни, айниқса, Ислом дини ва маданияти ривожига бекиёс ҳисса қўшган улуғ мутафаккирларга бешик бўлган. IX аср ҳадис илмининг олтин даври саналади. Бу даврда юзлаб муҳаддислар орасида юқори мартабага эришган олти улуғ имом энг машҳур ҳадис китобларини ёзганлар. Бу асарлар Қуръони каримдан кейинги энг ишончли манбалардир. Мазкур “Кутуби ситта”, яъни “Энг саҳиҳ (энг тўғри)” олти ҳадис китобларининг икки муаллифи ватандошларимиз Имом Термизий ва Имом Бухорийдир.

Шарқда ҳадис илми ва ҳадисшунослик масалаларига оид махсус асарлар яратилган. Уларнинг асосий қисми араб тилида ёзилган бўлиб, катта қисми Имом Термизий ва Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган.

Буюк аждодларимизнинг ҳаёт йўллари, илм-фан ва жаҳон маданияти тараққиётига қўшган ҳиссасини содда ва оммабоп усулда ёритиб бериш, Қуръон ва унинг тафсирлари, ҳадис тўпламларини ўзбек тилига таржима қилиш ишлари ҳадисшунос олимлар томонидан амалга оширилган ва кўплаб нодир асарлар яратилган.

Ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Абу Исо Термизий ва Термизий алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш ва халққа етказиш ўта муҳим ишдир.

Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ИМОМ ТЕРМИЗИЙ

Муҳаддис ва фақих

(824–892)

Алломанинг исми-шарифи. Имом Термизийнинг исми – Муҳаммад, куняси – Абу Исо, отасининг исми – Исо, бобосининг исми – Савра. Тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исо ибн Савра

ибн Мусо ибн Заҳҳок Суламий Зарийр Буғий Термизий бўлган.

Насаби машҳур Сулайм ибн Мансур қабиласига мансублиги учун Суламий тахаллусини олган.

Унга умрининг охирларида кўзи ожиз бўлиб қолгани сабаб “Зарийр”, яъни “кўзи ожиз” деган нисба берилган.

Термизда таваллуд топган. Шунинг учун халқ орасида “Термизий” номи билан машҳур бўлган.

Шунингдек, маъмурий жиҳатдан Термизнинг Буғ қишлоғида яшагани боис Имом Термизийни “Буғий” деб ҳам атаганлар. “Термиз” ўрта асрларда шаҳар билан бирга вилоят маъносини ҳам билдирган ва унга ҳозирги Жарқўрғон, Ангор, Музра-

бот ва Дарбандгача бўлган Шеробод ҳудудлари кирган.

Туғилиши ва вафоти. Имом Термизий 824 (ҳижрий 209) йили Термиз яқинидаги Буғ (ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани ҳудудида жойлашган) қишлоғида, ўртаҳол оилада таваллуд топган.

У 892 йил (ҳижрий 279 йил ражаб ойининг 13-кечаси, душанба куни) ўзи туғилиб ўсган мана шу қишлоқда вафот этган ва шу жойда дафн қилинган.

Ота-онаси ким бўлган? Имом Термизийнинг оиласи ва ота-онаси ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилмаган.

Бобоси Савра ҳозирги Туркменистоннинг Марв шаҳридан бўлиб,

Лайс ибн Сайёр даврида Термизга кўчиб келган ва набираси Абу Исо Муҳаммад шу ерда туғилган.

У зот ким эди? Минглаб ҳадисларни ёддан билган – буюк муҳаддис ва ҳофиз, Ислом ҳуқуқини яхши билган – фақиҳ ва олим бўлиб, ҳадис илмига ўзининг катта ҳиссасини қўшган.

Узоқ йиллар давом этган сафарлари чоғида Абу Исо Термизий нафақат ҳадис илмини, балки қироят, фикҳ ва тарих каби фанларнинг бошқа соҳаларини ҳам мукамал ўрганган.

Абу Исо Термизий ҳадислар тўплашга алоҳида эътибор қаратиб, ҳар қандай қийинчиликларга бардош беради. У ўзи ўқиган ёки бирор ҳа-

дис айтувчи – ровийдан эшитган ҳадисларни алоҳида қоғозга қайд этиб борган.

У ҳадиснинг тўғрилигига тўлик ишонч ҳосил қилсагина “Сунан” китобига киритар эди. Ҳадисларнинг тўғрилигига шубҳа бўлганда, уларни алоҳида ажратиб ёзарди. Шу тариқа ҳадислар саҳиҳ (тўғри, ишончли), ҳасан (яхши, маъқул), заиф (кучсиз, нуқсонли), ғариб (кам учровчи, нодир) каби хилларга ажратилган.

Имом Термизийнинг ёшлик йиллари. Имом Термизий ёшлигиданок илмга қизиқа бошлайди. У ўта тиришқоқ, идрокли ва заковатли бўлгани боис тенгдошлари орасида ажралиб турган. Илмга муҳаббати сабаб

Термиз, Самарқанд, Марв ва Мовароуннахрнинг бошқа йирик шаҳарларида истиқомат қилган машҳур уламо ва муҳаддислар асарларини кунт билан ўқиб ўрганган.

Имом Термизий яшаган давр.

Имом Термизий яшаган давр Ислом тарихида илм ва маърифатнинг энг гуллаб-яшнаган даври ҳисобланган. Бу давр тарихда “Асру тадвийн”, яъни “Китоб ёзиш асри” деб ном олган. Айнан ана шу даврда фақиҳлар, муҳаддислар ва Калом илми олимлари етишиб чиққан. Ўша даврда ҳадис соҳасида Аҳмад ибн Ҳанбалнинг “Муснад”, Имом Бухорийнинг “Саҳиҳ”, Имом Муслимнинг “Саҳиҳ”, Имом Доримийнинг “Сунан”, Абу Довуднинг “Сунан”, Абд

ибн Хумайд Кешийнинг “Муснад” каби асарлари, шунингдек, бошқа турли соҳаларга оид кўплаб асарлар ёзилган.

Бу даврга келиб Қуръон тафсири ва фикҳ (Ислом қонуншунослиги) илми ҳам ривожланган. Макка, Мадина, Куфа, Басра, Шом, Бағдод, Марв, Термиз, Бухоро, Самарқанд, Хоразм ўлкаларидан буюк олимлар етишиб чиққан.

Илм йўлида ўзга юртларга сафарлари. Имом Термизий илм ўрганишда Термиз аҳлидан бўлган ва у ерга ташриф буюрган уламолар билан чекланиб қолмасдан, илм олиш мақсадида бошқа юртларга ҳам узоқ сафарларга чиқади. Ёшлигидан илм-фанга ташна бўлган Абу Исо

Термизий ўз билимини ошириш борасида 850 йилдан, яъни 26 ёшидан бошлаб қатор хорижий мамлакат ва шаҳарларга сафар қилган. Илмий сафарлари давомида кўплаб кишилардан ҳадислар эшитади. Бухоро, Самарқанд, Марв, Нишопур, Балх, Рай, Бағдод, Куфа, Басра, Макка, Мадина каби шаҳарларда машҳур муҳаддис ва уламолардан таълим олади. Илмий мунозара ва баҳсларда иштирок этади.

Устозлари. Имом Термизий ўз ватанида ва хорижий юртларда юздан ортиқ устозлардан илм олиб, ҳадислар ривоят қилган. Илм эгаллашда ва уни янада мустаҳкамлашда ўз даврининг кўплаб машҳур олимларидан таҳсил олган. Муҳаммад Термизий

маълум ва машхур устозларидан Қутайба ибн Саид Сақафий, Муҳаммад ибн Башшор Басрий, Маҳмуд ибн Ғайлон Адавий, Муҳаммад ибн Ало Ҳамадоний Куфий, Абу Ҳасан Али ибн Ҳужр Марвазий, Абу Муҳаммад Абд ибн Ҳумайд Кеший, Имом Доримий, Имом Бухорий, Имом Муслим, Абу Довуд, Қутайба ибн Саъид, Исҳоқ ибн Роҳавайх, Маҳмуд ибн Ғайлон Марвазий, Сувайд ибн Наср Марвазий, Суфён ибн Вакийъ Куфий каби таниқли муҳаддисларни келтириш мумкин.

Шогирдлари. Имом Термизий бутун ҳаётини ҳадис ўрганиш ва уни ўргатишга бағишлаб, ўз даврининг етук муҳаддиси сифатида кўплаб шогирдларга устозлик ҳам қилди. Унинг

шогирдлари Муҳаммад ибн Аҳмад Марвазий, Абу Саъид Ҳайсам ибн Қулайб Шоший, Ҳаммоод ибн Шокир Насафий, Абу Мутиъ Макхул ибн Фазл Насафий, Абу Ҳомид Аҳмад ибн Али Найсобурий, Абу Ҳусайн ибн Юсуф Фирабрий, Довуд ибн Наср Паздавий, Муҳаммад ибн Суфён Насафий, Наср ибн Муҳаммад Ширакасий Самарқандий, Аҳмад ибн Юсуф Насафий ва бошқалар шулар жумласидандир.

Асарлари. Имом Термизий илмий фаолияти давомида ҳадис, тафсир, тарих, тасаввуф ва бошқа соҳаларда ўндан ортиқ асарлар ёзган:

1. “Ал-Жомиъ ал-кабир” (“Катта тўплам”) ёки “Сунан ат-Термизий” (“Термизийнинг суннатларга оид китоби”).

2. “Китоб ат-тафсир” (“Тафсир китоби”). Ушбу асар Қуръон тафсирига бағишланган.

3. “Аш-Шамоил ан-Набавиййа” (“Пайғамбарга хос сийрат ва фазилатлар”).

4. “Китоб ат-тарих” (“Тарих китоби”).

5. “Китоб ал-илал ал-кабир” (“Ҳадисларни нақл қилишдаги катта нуқсонлар”).

6. “Китоб ал-илал ас-сағир” (“Ҳадисларни нақл қилишдаги кичкина нуқсонлар”).

7. “Китоб аз-зуҳд” (“Зуҳд ҳақида китоб”).

8. “Китоб ал-асмо вал куна” (“Ровийларнинг исми ва кунялари ҳақида китоб”).

9. “Рисола фил хилоф вал жадал” (“Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола”).

10. “Тасмияту асҳоби Расулиллаҳ” (“Пайғамбар саҳобаларининг исмлари”).

11. “Китоб фил осорил мавқуф” (“Мавқуф (саҳобага нисбат берилган хабар) ривоятлар ҳақидаги китоб”).

“Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ” (“Саҳиҳ тўплам”) асари. Имом Термизийнинг ҳадис илмига оид шоҳ асари бўлган “Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ”да минглаб ҳадислар жамланган. Бу асар ҳадис илмида катта аҳамиятга эга. Асар “Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ” (“Саҳиҳ тўплам”), “Ал-Жомиъ ал-кабир” (“Катта тўплам”), “Саҳиҳ ат-Термизий” (“Термизийнинг саҳиҳ ҳадисларга оид

китоби”), “Сунан ат-Термизий” (“Термизийнинг суннатларга оид китоби”) каби бир қанча номлар билан аталади.

Имом Термизийнинг ушбу асари ҳадис тўпламларида мавжуд барча масалаларни ўз ичига олгани боис “Ал-Жомиъ” (“Жамловчи”) номи билан ҳам машҳур. “Ал-Жомиъ” китоби ақида, тафсир, диний қонун-қоидалар, ижтимоий ва шахсий ахлоқ мезонларига доир ҳадисларни қамраб олган.

Асарнинг “Сунан ат-Термизий” деб аталишининг асосий сабабларидан бири – унда фикҳ (ислом ҳуқуқи) масаласига оид ҳадислар кўплаб келтирилган. Шу билан бир қаторда, асарда имон, Қуръон тафсири, Қуръон фазилатлари, сийратлар, дуо-

лар, таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж, жаноза, никоҳ, савдо-сотик, қурбонлик, либос, таомлар, ичимликлар, хайр-эҳсон, саховат, табобат, фарзлар, жаннат ва жаҳаннам сифатлари, илм, изн сўраш, панд-насихат, одоб-ахлоқ ва бошқа мавзуларда ҳам ҳадиси шарифлар мавжуд.

Абу Исо Термизий “Сунан” асарини алоҳида бобларга бўлади. Мана шу боблар асарда сарлавҳа тарзида бўлиб, бобга доир ҳадислар бўлим мазмунини тўла-тўкис ифодалайди. Ушбу бобга (мавзуга) доир масала бўйича муаллиф бир қанча ҳадисларни келтиради, сўнг бу масала юзасидан бошқа уламо ва фақиҳларнинг фикрларини ҳам тартиб билан баён этади. Ундан кейин ривоят қилинган

ҳадиснинг саҳиҳ, ҳасан, заиф ёки ғариблиғи даражасига ўз муносабатини билдирган ҳолда, ҳадис ровийлари, санадлари ва санад ичидаги иллатлар хусусида фикрларини айтади.

Имом Термизий “Ал-Жомиъ ат-Термизий” асари ҳақида: «*“Ал-Жомиъ”ни ёзиб тугатгач, Ҳижоз, Ироқ ва Хуросон олимларига кўрсатганимда, улар уни мамнунлик билан бир овоздан маъқул топдилар. Ростдан ҳам кимнинг хонадонида бу китоб, яъни “Ал-Жомиъ” бўлса, гўёки унинг уйида Набий алайҳиссалом сўзлаётгандек*», деб ёзади.

Ҳофиз Абулфазл Муҳаммад Мақдисий (ваф. 1113) ҳам бу асар ҳақида: *“Мен учун Имом Термизийнинг “Ал-Жомиъ” асари Имом Бухорий ва*

Имом Муслим ибн Ҳажжжож асарларидан кўра фойдалироқдир. Чунки Бухорий ва Муслимнинг китобларидан, кўпинча, фақат ўқимишли, зиёли кишиларгина фойдаланади. Аммо Абу Исо Термизийнинг асаридан эса истаган ҳар бир киши бемалол фойдалана олади”, деб ёзади.

Имом Термизий бу асарини 884 (ҳижрий 270) йилда, яъни 60 ёшларида, катта тажриба орттириб, имомлик даражасига эришгандан кейин ёзиб тугатади.

Ушбу асарнинг қўлёзма нусхалари юртимизда ва дунёнинг машҳур кутубхоналарида ҳам сақланмоқда. Асар кўплаб хорижий тилларга таржима қилинган. Қадимда ва ҳозирда унга кўплаб шарҳлар битилган.

“Аш-Шамоил ан-Набавиййа”
**(“Пайғамбарга хос сийрат ва фа-
зилатлар”)** асари. Асар Пайғамба-
римиз Муҳаммад соллаллоҳу алай-
ҳи васалламнинг ҳаётлари, у зот-
нинг суврат ва сийратлари, ажойиб
фазилат ва одатларига оид тўрт юз
саккизта ҳадиси шариф жамланган
қимматли манбадир. Пайғамбаримиз
соллаллоҳу алайҳи васалламнинг
фазилатлари, одатлари ҳақидаги ҳа-
дисларни тўплаш билан жуда кўп
олимлар, муҳаддислар шуғулланган-
лар ва бу хилдаги ҳадислар турли-ту-
ман китоблардан ўрин олган. Лекин
Имом Термизий асарининг бошқа-
лардан афзаллиги ва фарқи шунда-
ки, муаллиф имкони борича Набий
алайҳиссалом фазилатларига доир

барча ҳадисларни бир жойга тўплаб, мантиқан изчил бир ҳолатда тартибга келтирган ва уни ўзига хос мустақил, яхлит китоб шаклида ёзган.

Ушбу асар Саудия Арабистонида яшаб ўтган ватандошимиз Саид Маҳмуд Тарозий (1992 йил вафот этган) томонидан ўзбекчага ўгирилган ҳамда эски ўзбек ёзуви ва кириллчада Тошкент шаҳрида бир неча бор нашр қилинган.

Мазкур асарнинг қўлёзма нусхалари юртимизда ва дунёнинг машҳур кутубхоналарида сақланмоқда.

Имом Термизий ҳамда Имом Бухорийнинг ўзаро илмий алоқалари. Имом Термизийнинг устози Имом Бухорийга бўлган ҳурмати юксак даражада эди. Имом Бухорий

863–868 йиллари Нишопурда яшаган даврда Муҳаммад Термизий унинг дарсларида қатнашади. Бу беш йил мобайнида Имом Бухорийдан ҳадис ва унга тааллуқли бошқа илмларни ўрганади. У “*Ҳадис илмида Ироқда ҳам, Хуросонда ҳам Муҳаммад ибн Исмоил (Имом Бухорий)дан кўра илмлироқ бирор кишини кўрмадим*”, дея устозига бўлган чексиз ҳурмати-ни намоён қилади.

Имом Термизий ўз даврининг олимларидан ажралиб турса-да, хотирасининг кучлилиги билан устози Имом Бухорийга ўхшаб кетар эди. Бу ҳақда тарихчи Шамсиддин Заҳабийнинг (1274–1347) “Тазкират ул-ҳуффоз” (“Ҳофизлар ҳақида тазкира”) номли асарида қуйидаги ҳикоя келтирилади:

«Маккага кетаётганимда йўлда бир Шайхни учратиб қолдим. Мен анча илгари бу Шайх томонидан ривоят қилинган ҳадисларнинг икки жузини (қисмини, парчани) бошқа бир кишидан эшитиш орқали ёзиб олган эдим. Ушбу ёзганларимни ўзим билан бирга олганман деб ўйлаб, Шайхнинг ёнига бордим. Саломаликдан сўнг, мен унинг бошқа кишидан эшитган ҳадисларини айнан унинг ўз оғзидан эшитишни илтимос қилдим ва мазкур ҳадис жузларини олмоқчи бўлиб ҳуржунимни очдим, лекин афсуски, бу жузлар (қисмлар, парчалар) ёнимда йўқ, оқ қоғозларгина бор эди, холос.

Мен қўлимдаги оқ қоғозга қараб, Шайх айтган ҳадисларни эшита

бошладим. Бироздан кейин, Шайх менинг қўлимдаги оқ қозозни кўриб: “Бу қилигинг учун мендан уялмайсанми?” – деди. Мен маъзуруна ҳолда бор ҳақиқатни айтиб: “Сиз ривоят қилган ҳадисларнинг ҳаммасини ёддан биламан”, – дедим ва уни бирин-кетин сўзма-сўз айтиб бердим.

Шайх эса сўзларимга ишонқирасдан: “Нима, менинг ҳузуримга келишдан аввал уларни атайин ёдлаган эдингми?” – деди. Мен: “Йўқ”, – деб жавоб бердим ва: “Агар сўзларимга ишонмасангиз, бошқа ҳадислардан айтинг”, – дедим. Шунда Шайх аввал ҳеч ким эшитмаган қирқта ҳадис айтди. Мен эса ушбу қирқта ҳадиснинг ҳаммасини бошидан-охиригача бирма-бир айтиб бердим. Бирорта

ҳарфида ҳам адашмадим. Шунда Шайх: “Сенга ўхшаганини ҳеч қачон кўрмаган эдим”, – деди».

Имом Бухорий ҳам шогирди Абу Исо Термизийга юқори баҳо бериб: “*Сен мендан фойдаланганиндан кўра мен сендан кўпроқ фойдаландим*”, деб таъкидлаган. Имом Бухорийнинг шогирди Имом Термизийга бундай юксак баҳо бериши Имом Термизийнинг қанчалик даражада илмга эга эканини кўрсатади.

Имом Термизий мероси ва мустақиллик. Мустақилликдан сўнг миллий қадриятларимиз, муқаддас динимизга оид анъаналарнинг қайта тикланиши халқимизнинг маънавий-маърифий юксалишида муҳим омиллардан бирига айланди.

Абу Исо Термизий мақбараси та-рихи айрим олимларнинг фикрича, тахминан XI-XII асрларга бориб тақа-лади. 1905-1909 йилларда Шеробод вилоятини бошқарган Мирзо Салим-бек томонидан Имом Термизий ёдгор-лигида таъмирлаш ишлари олиб бо-рилди, хусусан, унга айвон қўшилди. Унинг маълумотига кўра, мақбарага туташ масжид Мирзо Улуғбекнинг ўғли Абдулатиф Мирзо томонидан қурилган. 1990 йилда Ўзбекистонда Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллиги халқаро миқёсда нишонлан-ди. Шу муносабат билан ва 2001 йил-да Термизнинг 2500 йиллик тадбирла-ри сабабли Имом Термизий мақбараси ва унга ёндош масжидда таъмирлаш ишлари олиб борилди.

2016 йилда зиёратгоҳни мутлақо янгича кўринишга келтириш ишлари бошланди. Қисқа вақт ичида зиёратгоҳда беш юз ўринли масжид, кутубхона ва кичик анжуманлар зали, эркаклар ва аёллар таҳоратхонаси, ошхона комплекси, беш айвон – жами 1,75 гектар майдонда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 14 февраль куни “Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, Термиз шаҳрида “Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази”, 2020 йил 8 июнда эса Термиз шаҳрида “Имом Термизий” ўрта махсус ислом таълим муассасаси ташкил этилди.

Имом Термизийнинг “Сунан ат-Термизий”, “аш-Шамоил ан-Набавиййа”, “Илал ас-сағир”, “Тасмияту асҳоби Расулиллаҳ” (“Расулуллоҳ сафдошлари”), “Жомиъ ас-сунан” асаридан сайланма ҳадислар” каби асарлари араб тилидан ўзбек тилига таржима қилинди. Шунингдек, Имом Термизий ҳақида “Термизлик икки аллома”, “Муҳаддис ва фақиҳ аллома”, “Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий”, “Имом Абу Исо Термизий ҳаёти ва ижоди саҳифалари”, “Имом Термизий”, “Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи”, термизийлар мероси ҳақида “Термизлик алломалар асарларининг қўлёзмалари каталоги”, “Имом Термизийнинг “Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ”

асарига кириш” ва яна бошқа кўплаб китоблар нашр қилинди.

Бундан ташқари, Муҳаммад Термизий меросини ўрганиш бўйича илмий конференция ва анжуманлар ташкил қилинди, кўплаб мақола ва маърузалар чоп этилди. Мақолалар ва таржималар нашрида Убайдулла Уватов, Мирзо Кенжабек, Жўрабек Чўтматов, Жалолиддин Ҳамроқулов, Ҳамидулла Аминовларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хулоса

Абу Исо Термизийнинг “Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ”, “Аш-шамоил ан-Набавийя” ҳамда бошқа асарларида келтирилган ҳадиси шарифлар катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, инсонларни ҳалол, адолатли, имон-эътиқодли, диёнатли, покиза, меҳнатсевар, мурувватли, раҳм-шафқатли, ота-она, аёлларга нисбатан ҳурмат-эътиборли бўлишга чорлайди.

Бу ибратли панду насиҳатлар ва ўғитлар ёш авлодни тарбиялашда беқиёс аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Имом Термизийнинг асарлари фақат диний илмлар мажмуасига оид бўлиб

қолмасдан, балки дунёвий илмларга оид маълумотларга ҳам бойдир. Масалан, унинг шоҳ асари бўлган “Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ”да тарих, мантиқ, ҳуқуқшунослик, табобат, зиротга оид кўплаб қимматли маълумотларни учратамиз.

Буюк бобокалонимизнинг ҳаёти ва унинг бой маънавий меросини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир.

Имом Термизий ҳақида уламоларнинг фикрлари

Муҳаммад ибн Исо Термизий ҳадис илмида эргашиладиган имомлардан бири. У киши ҳадис, тарих, илал илмида китоблар ёзган. Ёдлаш қобилияти кучлилиги борасида ҳаммага намуна бўлган.

*Абдурахмон ибн Муҳаммад
Идрисий*

Абу Исо барча бир овоздан этироф этган ишончли муҳаддис бўлиб, омонатдор ва олим сифатида шуҳрат қозонган.

Абу Яъло Халилий

Имом Термизий, шак-шубҳасиз, ўз асрининг имоми (пешвоси) бўл-

ган. Ҳадис борасида сўзи ҳужжат бўладиган инсонлардан саналади. “Ал-Жомиъ”, “Ат-Тарих” ва “Ал-Илал” каби асарлари унинг нақадар етук олим бўлганини билдиради. Шунингдек, зеҳн ва хотираси ҳамма-нинг ҳайратига сабаб бўладиган даражада ўткир ва кучли эди.

Абдулкарим Самъоний

Имом Термизий ҳофиз бўлган ва у кишининг “Жомиъ ал-кабир” номли ҳадис китоби бор. У киши фикҳ илмида ҳам таниқли олим бўлган.

Ибн Асир Жазарий

У ҳадис илмида эргашиладиган улуғ имомлардан эди.

Абул Фидо

Бухорий вафот этганида ўзидан кейин Хуросонда илм, хотира, тақво ва зоҳидлик борасида Абу Исога ўхшаган бирор кишини қолдирмади. У шу даражада қаттиқ йиғлаганидан, ҳатто кўзлари кўрмай қолди ва бир неча йиллар шу ҳолида яшади.

Умар Аллак

Сен мenden ўрганган нарсаларингдан кўра мен сендан ўрганган нарсалар кўпроқ.

Имом Бухорий

Имом Термизий илмни жамлаган, ёзган ва ёдида сақлаган олимлардан биридир.

Ибн Ҳиббон

“Жомиъ ал-кабир” китоби саҳиҳ-лигига муҳаддису фақиҳлар ва барча олимлар иттифоқ қилган беш китобнинг биридир.

Исъардий

Абу Исо Термизий ўз замонасининг ҳадис илми борасида энг катта имомлардан бири бўлган.

Ибн Касир

Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг ўзи ҳам у кишидан ҳадис ривоят қилган. Бундан ортиқ фахр бўлма-са керак!

Тақиюддин Исъардий

Термизийнинг ҳадис соҳасида қилган ишларини бошқа киши ҳали уддалай олмаган.

Абу Жаъфар ибн Зубайр

У таниқли ва пешво муҳаддислардан бири, Аллоҳнинг мусулмонларга берган неъматидир.

Ҳофиз Абул Ҳажжож Миззий

Ибн Исо замондошлари орасида энг машҳур, кучли хотира ва моҳирликда эса мўъжиза эди.

Ибн Аммод Ҳанбалий

Абу Исо Термизий ҳужжат, имом ва назир ийқ ишончли ҳофиз бўлган.

Мулло Али Қори

**Имом Термизий томонидан
“Сунан ат-Термизий”да ривоят
қилинган ҳадислардан намуналар**

Айюб ибн Мусо отасидан, у киши эса отасидан ривоят қилади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“(Ҳеч бир) ота фарзандига гўзал одобдан афзал нарсани бера олмайди”*, дедилар».

* * *

Баҳз ибн Ҳаким розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Отам бобомдан шундай деганини айтди: “Ё Аллоҳнинг Расули, кимга яхшилик қилай?” – дедим. У зот: **“Онангга”**, – дедилар. “Сўнгра кимга?” – дедим. **“Онангга”**, – дедилар. “Сўнгра кимга?” – дедим. **“Онангга”**, – дедилар. “Сўнгра кимга?” – дедим.

“Сўнгра отангга, сўнгра яқинингга, сўнгра яқинларингга”, – дедилар».

* * *

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Шак-шубҳасиз учта дуо мустажоб бўлади: ота-онанинг дуоси, мусофирнинг дуоси ва мазлумнинг дуоси”**, дедилар».

* * *

Абдуллоҳ ибн Амр розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Кишининг ота-онасини сўкиши катта гуноҳлардандир!”** – дедилар. Саҳобалар: “Ё Расулуллоҳ! Киши ўзининг ота-онасини ҳам сўкади-ми?!” – дедилар. Расулуллоҳ сол-

лаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ҳа, бир кишининг отасини сўкади. У ҳам бунинг отасини сўкади. Бир кишининг онасини сўкади. У ҳам бунинг онасини сўкади”**, дедилар».

* * *

Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ёш йигит кекса кишини ёши улуглиги учун ҳурмат қилса, Аллоҳ таоло уни ҳам кексайганида ҳурмат қилинадиганлар қаторига қўяди”**, дедилар».

* * *

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким Аллоҳга ва қиёмат кунига имон келтирган**

бўлса, яхши гап айтсин ёки жим турсин», дедилар».

* * *

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Ким Аллоҳга ва қиёмат кунига имон келтирган бўлса, меҳмонини ҳурмат қилсин*», дедилар».

* * *

Абдуллоҳ ибн Амр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Роҳманга ибодат қилинглар! Таом едиринглар! Саломни ёйинглар! Жаннатга саломатлик билан кирасизлар*», дедилар».

* * *

Али розийаллоҳу анҳудан ривоят

қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Мусулмоннинг бошқа мусулмон устида яхшилик борасида олти та ҳаққи бор: агар уни учратса, салом беради, чақирса, унга жавоб беради, аксирса, унга жавоб қайтаради (акса уриб “алҳамдулиллаҳ” деса, “ярҳамукаллоҳ” деб айтади), касал бўлса, уни кўргани боради, вафот этса, жанозасига қатнашади ва ўзи учун яхши кўрган нарсасини унга ҳам раво кўради”**, дедилар».

* * *

Абу Зарр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Қаерда бўлсанг ҳам, Аллоҳга тақво қил! Бирор-бир ёмон иш қилсанг, унинг**

орқасидан яхши иш қил. Ўшанда қилган яхшилигинг уни ўчириб юборади. Инсонларга гўзал хулқинг билан муомала қил”, дедилар».

Абдуллоҳ ибн Амр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: *“Сизларнинг яхшиларингиз – хулқлари яхши бўлганларингиздир*”, дедилар».

* * *

Абу Масъуд Бадрий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллalloҳу алайҳи ва саллам: *“Ким бир (кишини) яхшиликка йўлласа, унга ҳам яхшилик қилган кишининг мислича (ажр) бўлади*”, дедилар».

* * *

Абу Умома Боҳилий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Албатта, Аллоҳ таоло, Унинг фаришталари, осмонлару ернинг аҳли, ҳаттоки уясидаги чумоли ва балиқ ҳам одамларга яхшиликни ўргатувчига салавот айтадилар”*, дедилар».

* * *

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Агар инсон вафот қилса, учта амалидан бошқа ҳамма амали кесилади: жорий садақа, манфаат олинадиган илм ёки унинг ҳақиға дуо қиладиган солиҳ фарзанд”*, дедилар».

* * *

Абу Айюб розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Тўртта нарса расулларнинг суннатларидан саналади: ҳаё, хушбўйлик, мисвок тутиш ва уйланишдир”**», дедилар».

* * *

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Бир-бирингизга ҳадя беринглар, чунки ҳадя кўнгилдаги гашиликни кетказади”**», дедилар».

* * *

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Бефойда нарсаларни тарк қилиш киши исломининг чиройлигидандир”**», дедилар».

* * *

Салмон розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Таомнинг баракаси ундан (таомдан) олдин ва кейин (икки қўлни) ювишдир”**, дедилар”.

* * *

Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Бир кишининг таоми икки кишига кифоя қилади. Икки кишининг таоми эса тўрт кишига кифоя қилади. Тўрт кишининг таоми эса саккиз кишига кифоя қилади”**, дедилар».

* * *

Солим розийаллоҳу анҳу отасидан ривоят қилади: «Расулуллоҳ сол-

лаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Қачон сизлардан бирингиз еса, ўнг қўли билан есин. Қачон сизлардан бирингиз ичса, ўнг қўли билан ичсин. Чунки шайтон чап қўли билан еб, чап қўли билан ичади”*, дедилар».

* * *

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Туянинг ичишига ўхшаб бир мартада ичманглар, икки, уч мартада (нафас олиб) ичинглар. Ичишдан олдин тасмия (“бисмиллаҳ”) айтинг, ичиб бўлганингиздан кейин ҳамд (“алҳамдулиллаҳ”) айтинг”*, дедилар».

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий. Жомий ас-сунан. Сайланма ҳадислар. Таржима ва изоҳлари муаллифлари: Ҳ. Аминов, М. Исмоилов, Б. Абдуллаев. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2017.
2. Абу Саъид Абдулкарим Самъоний. Ансоб. – Байрут: “Дор ал-фикр”, 2009. Ж. 1.
3. Буюк юрт алломалари. Тузувчи ва нашрга тайёрловчи: У. Уватов. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018.
4. Доктор Тоҳир Азҳар Хазирий. Таржимонлар: С. Сиддиқов, Ж.Шодиев, У. Мирсодиқов. Имом Термизийнинг “Ал-Жомий ас-саҳих”

- асарига кириш. – Т.: “Мовароуннахр”, 2017.
5. Жалолiddин Ҳамроқулов. Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий. – Т.: “Мовароуннахр”, 2017.
 6. Жўрабек Чўтматов. Имом Абу Исо Термизий ҳаёти ва ижоди саҳифалари. – Т.: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2019.
 7. Ибн Хажар Асқалоний. Таҳзийб ат-таҳзийб. – Байрут: “Дор ал-фикр”, 1984. Ж. 9.
 8. Мирзо Кенжабек. Термиз тазкираси. Буюк термизийлар. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017.
 9. Нуриддин Итр. Ал-Имом ат-Тер-

- мизий ва ал-мувазанату байна жамиъиҳи ва байна ас-саҳиҳайн. – Миср: Матбуату лажна ат-таълиф ат-таржима ва ан-нашр, 1980.
10. Одилхон қори Юнусхон ўғли. Муҳаддис ва фақиҳ аллома. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2017.
 11. У. Уватов. Икки буюк донишманд (Абу Исо ат-Термизий, Ал-Ҳаким ат-Термизий). – Т.: “Шарқ”, 2005.
 12. У. Уватов, И. Усмонов. Термизлик икки аллома – Абу Исо Муҳаммад Термизий, Ҳаким Термизий. – Т.: Тошкент ислом университети, 2017.
 13. Хайруддин ибн Маҳмуд Зириклий Димашқий. Ал-аълум. Дор ал-илм, 2002. Ж. 2.

14. Халидов А. Б. Арабские рукописи и арабская рукописная традиция. – М., 1985.
15. Шамсуддин Заҳабий. Сийар аълом ан-нубало. – Байрут: “Муассаса ар-рисала”, 1993. Ж. 13.
16. Шамсуддин Заҳабий. Тазкират ал-хуффоз. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1998. Ж. 2.

Imom Termiziy xalqaro
ilmiy-tadqiqot markazi

Buyuk termiziylar

Imom Termiziy

1



"Shamsuddinxon
Boboxonov"
NMIU

Toshkent – 2021

UO'K 28(09)

KBK 86.38

U 14

Uvatov, U.

Imom Termiziy [Matn]: ma'naviy-ma'rifiy / U. Uvatov

O.Jo'rayev. – Toshkent : Shamsuddinxon Boboxonov, 2020. –
104 b.

Mas'ul muharrir

U. Uvatov – tarix fanlari doktori, professor

Taqrizchi

Sh. Umarov – tarix fanlari bo'yicha
falsafa doktori (PhD),

Imom Termiziy xalqaro ilmiy-tadqiqot
markazi direktori

*Ushbu risolada buyuk vatandoshimiz, mashhur muhaddis,
alloma Abu Iso Muhammad Termiziy hayoti va ilmiy-ma'rifiy
merosi haqida ma'lumotlar to'plangan. Risola maktab
o'quvchilari va keng kitobxonlar ommasi uchun mo'ljallangan.*

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi
Din ishlari bo'yicha qo'mitaning 2020-yil 18-martdagi
2058-sonli xulosasi asosida nashrga tayyorlandi

ISBN 978-9943-12-627-5

© U. Uvatov O.Jo'rayev, 2021

© "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU, 2021

Mundarija

Soʻzboshi	56
Imom Termiziy	58
Allomaning ismi-sharifi	58
Tugʻilishi va vafoti	60
Ota-onasi kim boʻlgan?	60
U zot kim edi?	61
Imom Termiziyning yoshlik yillari	62
Imom Termiziy yashagan davr	62
Ilm yoʻlida oʻzga yurtlarga safarlari	64
Ustozlari	65
Shogirdlari	66
Asarlari	66
“Al-Jomi’ as-sahih” (“Sahih toʻplam”) asari	68
“Ash-Shamoil an-Nabaviyya” (“Paygʻambarga xos siyrat va fazilatlar”) asari	72
Imom Termiziy hamda Imom Buxoriyning oʻzaro ilmiy aloqalari	74
Imom Termiziy merosi va mustaqillik	78
Xulosa	82
Imom Termiziy haqida ulamolarning fikrlari	84
Imom Termiziy tomonidan “Sunan at-Termiziy” da rivoyat qilingan hadislardan namunalar	89
Foydalanilgan adabiyotlar	99

So‘zboshi

Muqaddas zaminimiz azaldan insoniyat tamadduni, ayniqsa, Islom dini va madaniyati rivojiga beqiyos hissa qo‘shgan ulug‘ mutafakkirlarga be-shik bo‘lgan. IX asr hadis ilmining oltin davri sanaladi. Bu davrda yuzlab muhaddislar orasida yuqori martabaga erishgan olti ulug‘ imom eng mashhur hadis kitoblarini yozganlar. Bu asarlar Qur’oni karimdan keyingi eng ishonchli manbalardir. Mazkur “Kutubi sita”, ya’ni “Eng sahih (eng to‘g‘ri)” olti hadis kitoblarining ikki muallifi buyuk vatandoshlarimiz Imom Termiziy va Imom Buxoriydir.

Sharqda hadis ilmi va hadisshunoslik masalalariga oid maxsus asarlar

yaratilgan. Ularning asosiy qismi arab tilida yozilgan bo‘lib katta qismi Imom Termiziy va Imom Buxoriyning hayoti va ilmiy faoliyatiga bag‘ishlangan.

Buyuk ajdodlarimizning hayot yo‘llari, ilm-fan va jahon madaniyati taraqqiyotiga qo‘shgan hissasini sodda va ommabop usulda yoritib berish, Qur‘on va uning tafsirlari, hadis to‘plamlarini o‘zbek tiliga tarjima qilish ishlari hadisshunos olimlar tomonidan amalga oshirilgan va ko‘plab nodir asarlar yaratilgan.

*Islom dini rivojiga ulkan hissa
qo‘shgan buyuk alloma, vatandoshi-
miz Abu Iso Termiziy va Termiziy al-
lomalarning benazir merosini ilmiy
asosda chuqur o‘rganish va xalqqa
yetkazish o‘ta muhim ishdir.*

Shavkat Mirziyoyev,
O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti

IMOM TERMIZIY
Muhaddis va faqih
(824–892)

Allomaning ismi-sharifi. Imom Termiziyning ismi – Muhammad, kunyasi – Abu Iso, otasining ismi – Iso, bobosining ismi – Savra. To‘liq ismi Muhammad ibn Iso ibn Savra ibn Muso ibn Zahhok Sulamiy Zariyr Bug‘iy Termiziy bo‘lgan.

Nasabi mashhur Sulaym ibn Mansur qabilasiga mansubligi uchun Sulamiy taxallusini olgan.

Unga umrining oxirlarida ko‘zi ojiz bo‘lib qolgani sabab “Zariyr”, ya’ni “ko‘zi ojiz” degan nisba berilgan.

Termizda tavallud topgan. Shuning uchun xalq orasida “Termiziy” nomi bilan mashhur bo‘lgan.

Shuningdek, ma’muriy jihatdan Termizning Bug‘ qishlog‘ida yashagani bois Imom Termiziyning “Bug‘iy” deb ham ataganlar. “Termiz” o‘rta asrlarda shahar bilan birga viloyat ma’nosini ham bildirgan va unga hozirgi Jarqo‘rg‘on, Angor, Muzrabot va Darbandgacha bo‘lgan Sherobod hududlari kirgan.

Tug‘ilishi va vafoti. Imom Termiziy 824-(hijriy 209) yili Termiz yaqinidagi Bug‘ (hozirgi Surxondaryo viloyatining Sherobod tumani hududida joylashgan) qishlog‘ida, o‘rtahol oilada tavallud topgan.

U 892-yil (hijriy 279-yil rajab oyining 13-kechasi, dushanba kuni) o‘zi tug‘ilib o‘sgan mana shu qishloqda vafot etgan va shu joyda dafn qilingan.

Ota-onasi kim bo‘lgan? Imom Termiziyning oilasi va ota-onasi haqida manbalarda aniq ma’lumotlar keltirilmagan.

Bobosi Savra hozirgi Turkmanistonning Marv shahridan bo‘lib, Lays ibn Sayyor davrida Termizga ko‘chib kelgan va nabirasi Abu Iso Muhammad shu yerda tug‘ilgan.

U zot kim edi? Minglab hadislarini yoddan bilgan – buyuk muhaddis va hofiz, Islom huquqini yaxshi bilgan – faqih va olim bo‘lib, hadis ilmiga o‘zining katta hissasini qo‘shgan.

Uzoq yillar davom etgan safarlari chog‘ida Abu Iso Termiziy nafaqat hadis ilmini, balki qiroat, fiqh va tarix kabi fanlarning boshqa sohalarini ham mukammal o‘rgangan.

Abu Iso Termiziy hadislar to‘plashga alohida e’tibor qaratib, har qanday qiyinchiliklarga bardosh beradi. U o‘zi o‘qigan yoki biror hadis aytuvchi – roviydan eshitgan hadislarini alohida qog‘ozga qayd etib borgan.

U hadisning to‘g‘riligiga to‘liq ishonch hosil qilsagina “Sunan” kitobiga kiritar edi. Hadislarning to‘g‘rili-

giga shubha bo'lganda, ularni alohida ajratib yozardi. Shu tariqa hadislar sahih (to'g'ri, ishonchli), hasan (yaxshi, ma'qul), zaif (kuchsiz, nuqsonli), g'arib (kam uchrovchi, nodir) kabi xillarga ajratilgan.

Imom Termiziyning yoshlik yillari. Imom Termiziy yoshligidanoq ilmga qiziqqa boshlaydi. U o'ta tirishqoq, idrokli va zakovatli bo'lgani bois tengdoshlari orasida ajralib turgan. Ilmga muhabbati sabab Termiz, Samarqand, Marv va Movarounnahrning boshqa yirik shaharlarida istiqomat qilgan mashhur ulamo va muhaddislar asarlarini qunt bilan o'qib o'rgangan.

Imom Termiziy yashagan davr. Imom Termiziy yashagan davr Islom tarixida ilm va ma'rifatning eng gullab-

yashnagan davri hisoblangan. Bu davr tarixda “Asru tadviyn”, ya’ni “Kitob yozish asri” deb nom olgan. Aynan ana shu davrda faqihlar, muhaddislar va Kalom ilmi olimlari yetishib chiqqan. O’sha davrda hadis sohasida Ahmad ibn Hanbalning “Musnad”, Imom Buxoriyning “Sahih”, Imom Muslimning “Sahih”, Imom Dorimiyning “Sunan”, Abu Dovudning “Sunan”, Abd ibn Humayd Keshiyning “Musnad” kabi asarlari, shuningdek, boshqa turli sohalarga oid ko‘plab asarlar yozilgan.

Bu davrga kelib Qur’on tafsiri va fiqh (Islom qonunshunosligi) ilmi ham rivojlangan. Makka, Madina, Kufa, Basra, Shom, Bag‘dod, Marv, Termiz, Buxoro, Samarqand, Xorazm o‘lkalaridan buyuk olimlar yetishib chiqqan.

Ilm yo‘lida o‘zga yurtlarga safarlari. Imom Termiziy ilm o‘rganishda Termiz ahlidan bo‘lgan va u yerga tashrif buyurgan ulamolar bilan cheklanib qolmasdan, ilm olish maqsadida boshqa yurtlarga ham uzoq safarlarga chiqadi. Yoshligidan ilm-fanga tashna bo‘lgan Abu Iso Termiziy o‘z bilimini oshirish borasida 850-yildan, ya’ni 26 yoshidan boshlab qator xorijiy mamlakat va shaharlarga safar qilgan. Ilmiy safarlari davomida ko‘plab kishilardan hadislar eshitadi. Buxoro, Samarqand, Marv, Nishopur, Balx, Ray, Bag‘dod, Kufa, Basra, Makka, Madina kabi shaharlarda mashhur muhaddis va ulamolardan ta’lim oladi. Ilmiy munozara va bahslarda ishtirok etadi.

Ustozlari. Imom Termiziy o‘z vatanda va xorijiy yurtlarda yuzdan ortiq ustozlardan ilm olib, hadislar rivoyat qilgan. Ilm egallashda va uni yanada mustahkamlashda o‘z davrining ko‘plab mashhur olimlaridan tahsil olgan. Muhammad Termiziy ma’lum va mashhur ustozlaridan Qutayba ibn Said Saqafiy, Muhammad ibn Bashshor Basriy, Mahmud ibn G‘aylon Adaviy, Muhammad ibn Alo Hamadoniy Kufiy, Abu Hasan Ali ibn Hujr Marvaziy, Abu Muhammad Abd ibn Humayd Keshiy, Imom Dorimiy, Imom Buxoriy, Imom Muslim, Abu Dovud, Qutayba ibn Sa’id, Is’hoq ibn Rohavayh, Mahmud ibn G‘aylon Marvaziy, Suvayd ibn Nasr Marvaziy, Sufyon ibn Vakiy’ Kufiy kabi taniqli muhaddislarni keltirish mumkin.

Shogirdlari. Imom Termiziy butun hayotini hadis o'rganish va uni o'rgatishga bag'ishlab, o'z davrining yetuk muhaddisi sifatida ko'plab shogirdlarga ustozlik ham qildi. Uninig shogirdlari Muhammad ibn Ahmad Marvaziy, Abu Sa'id Haysam ibn Kulayb Shoshiy, Hammud ibn Shokir Nasafiy, Abu Muti' Maqbul ibn Fazl Nasafiy, Abu Homid Ahmad ibn Ali Naysoburiy, Abu Husayn ibn Yusuf Firabriy, Dovud ibn Nasr Pazdaviy, Muhammad ibn Sufyon Nasafiy, Nasr ibn Muhammad Shirakasiy Samarqandiy, Ahmad ibn Yusuf Nasafiy va boshqalar shular jumlasidandir.

Asarlari. Imom Termiziy ilmiy faoliyati davomida hadis, tafsir, tarix, tasavvuf va boshqa sohalarda o'ndan ortiq asarlar yozgan:

1. “Al-Jomi’ al-kabir” (“Katta to‘plam”) yoki “Sunan at-Termiziy” (Termiziyning sunnatlarga oid kitobi).

2. “Kitob at-tafsir” (“Tafsir kitobi”). Ushbu asar Qur’on tafsiriga bag‘ishlangan.

3. “Ash-Shamoil an-Nabaviyya” (“Payg‘ambarga xos siyrat va fazilatlar”).

4. “Kitob at-tarix” (“Tarix kitobi”).

5. “Kitob al-ilal al-kabir” (“Hadislarni naql qilishdagi katta nuqsonlar”).

6. “Kitob al-ilal as-sag‘ir” (“Hadislarni naql qilishdagi kichkina nuqsonlar”).

7. “Kitob az-zuhd” (“Zuhd haqida kitob”).

8. “Kitob al-asma val kuna” (“Ro-viylarning ismi va kunyalari haqida kitob”).

9. “Risola fil xilof val jadal” (“Ha-

dislardagi ixtilof va bahslar haqida risola”).

10. “Tasmiyatu ashobi Rasulillah” (“Payg‘ambar sahobalarining ismlari”).

11. “Kitob fil osoril mavquf” (“Mavquf (sahobaga nisbat berilgan xabar) rivoyatlar haqidagi kitob”).

“Al-Jomi’ as-sahih” (“Sahih to‘plam”) asari. Imom Termiziyning hadis ilmiga oid shoh asari bo‘lgan “Al-Jomi’ as-sahih”da minglab hadislar jamlangan. Bu asar hadis ilmida katta ahamiyatga ega. Asar “Al-Jomi’ as-sahih” (“Sahih to‘plam”), “Al-Jomi’ al-kabir” (“Katta to‘plam”), “Sahih at-Termiziy” (“Termiziyning sahih hadislarga oid kitobi”), “Sunan at-Termiziy” (“Termiziyning sunnatlarga oid kitobi”) kabi bir qancha nomlar bilan ataladi.

Imom Termiziyning ushbu asari hadis to‘plamlarida mavjud barcha masalalarni o‘z ichiga olgani bois “Al-Jomi’” (“Jamlovchi”) nomi bilan ham mashhur. “Al-Jomi’” kitobi aqida, tafsir, diniy qonun-qoidalar, ijtimoiy va shaxsiy axloq mezonlariga doir hadislarini qamrab olgan.

Asarning “Sunan at-Termiziy” deb atalishining asosiy sabablaridan biri – unda fiqh (islom huquqi) masalasiga oid hadislar ko‘plab keltirilgan. Shu bilan bir qatorda, asarda imon, Qur’on tafsiri, Qur’on fazilatlarini, siy-ratlar, duolar, tahorat, namoz, zakot, ro‘za, haj, janoza, nikoh, savdo-sotiq, qurbonlik, libos, taomlar, ichimliklar, xayr-ehson, saxovat, tabobat, farzlar, jannat va jahannam sifatlarini, ilm, izn

so‘rash, pand-nasihath, odob-axloq va boshqa mavzularda ham hadisi shariflar mavjud.

Abu Iso Termiziy “Sunan” asarini alohida boblarga bo‘ladi. Mana shu boblar asarda sarlavha tarzida bo‘lib, bobga doir hadislar bo‘lim mazmunini to‘la-to‘kis ifodalaydi. Ushbu bobga (mavzuga) doir masala bo‘yicha muallif bir qancha hadislarni keltiradi, so‘ng bu masala yuzasidan boshqa ulamo va faqihlarning fikrlarini ham tartib bilan bayon etadi. Undan keyin rivoyat qilingan hadisning sahih, hasan, zaif yoki g‘aribligi darajasiga o‘z munosabatini bildirgan holda, hadis roviylari, sanadlari va sanad ichidagi illatlar xususida fikrlarini aytadi.

Imom Termiziy “Al-Jomi’ at-Termi-

ziy” asari haqida: «“*Al-Jomi*”ni yozib tugatgach, Hijoz, Iroq va Xuroson olimlariga ko‘rsatganimda, ular uni mamnunlik bilan bir ovozdan ma’qul topdilar. Ro‘stdan ham kimning xonadonida bu kitob, ya’ni “*Al-Jomi*” bo‘lsa, go‘yoki uning uyida Nabiy alayhissalom so‘zlayotgandek», deb yozadi.

Hofiz Abulfazl Muhammad Maqdisiy (vaf. 1113) ham bu asar haqida: “Men uchun Imom Termiziyning “*Al-Jomi*” asari Imom Buxoriy va Imom Muslim ibn Hajjoj asarlaridan ko‘ra foydaliroqdir. Chunki Buxoriy va Muslimning kitoblaridan, ko‘pincha, faqat o‘qimishli, ziyoli kishilargina foydalanadi. Ammo Abu Iso Termiziyning asaridan esa istagan

har bir kishi bemalol foydalana oladi”, deb yozadi”.

Imom Termiziy bu asarini 884-(hijriy 270) yilda, ya’ni 60 yoshlarida, katta tajriba orttirib, imomlik darajasiga erishgandan keyin yozib tugatadi.

Ushbu asarning qo‘lyozma nusxalari yurtimizda va dunyoning mashhur kutubxonalarida ham saqlanmoqda. Asar ko‘plab xorijiy tillarga tarjima qilingan. Qadimda va hozirda unga ko‘plab sharhlar bitilgan.

“Ash-Shamoil an-Nabaviyya” (“Payg‘ambarga xos siyrat va fazilatlar”) asari. Asar Payg‘ambarimiz Muhammad sollallohu alayhi va sallamning hayotlari, u zotning suvrat va siyratlari, ajoyib fazilat va odatlariga oid to‘rt yuz sakkizta hadisi sharif jam-

langan qimmatli manbadir. Payg‘ambarimiz sollallohu alayhi va sallamning fazilatlari, odatlari haqidagi hadislarni to‘plash bilan juda ko‘p olimlar, muhaddislar shug‘ullanganlar va bu xildagi hadislar turli-tuman kitoblardan o‘rin olgan. Lekin Imom Termiziy asarining boshqalardan afzalligi va farqi shundaki, muallif imkoni boricha Nabiy alayhissalom fazilatlariga doir barcha hadislarni bir joyga to‘plab, mantiqan izchil bir holatda tartibga keltirgan va uni o‘ziga xos mustaqil, yaxlit kitob shaklida yozgan.

Ushbu asar Saudiya Arabistoni-da yashab o‘tgan vatandoshimiz Said Mahmud Taroziy (1992-yil vafot etgan) tomonidan o‘zbekchaga o‘girilgan hamda eski o‘zbek yozuvi va kirill-

chada Toshkent shahrida bir necha bor nashr qilingan.

Mazkur asarning qo‘lyozma nusxalari yurtimizda va dunyoning mashhur kutubxonalarida saqlanmoqda.

Imom Termiziy hamda Imom Buxoriyning o‘zaro ilmiy aloqalari. Imom Termiziyning ustozi Imom Buxoriyga bo‘lgan hurmati yuksak darajada edi. Imom Buxoriy 863–868-yillari Nishopurda yashagan davrda Muhammad Termiziy uning darslarida qatnashadi. Bu besh yil mobaynida Imom Buxoriydan hadis va unga taaluqli boshqa ilmlarni o‘rganadi. U *“Hadis ilmida Iroqda ham, Xurosonda ham Muhammad ibn Ismoil (Imom Buxoriy)dan ko‘ra ilmliroq biror kishini ko‘rmadim”*, deya usto-

ziga bo‘lgan cheksiz hurmatini namoyon qiladi.

Imom Termiziy o‘z davrining olimlaridan ajralib tursa-da, xotirasining kuchliligi bilan ustozi Imom Buxoriyga o‘xshab ketar edi. Bu haqda tarixchi Shamsiddin Zahabiyning (1274–1347) “Tazkirat ul-huffoz” (“Hofizlar haqida tazkira”) nomli asarida quyidagi hikoya keltiriladi:

«Makkaga ketayotganimda yo‘lda bir Shayxni uchratib qoldim. Men ancha ilgari bu Shayx tomonidan rivoyat qilingan hadislarning ikki juzini (qismini, parchani) boshqa bir kishidan eshitish orqali yozib olgan edim. Ushbu yozganlarimni o‘zim bilan birga olganman deb o‘ylab, Shayxning yoniga bordim. Salom-alikdan so‘ng, men uning

boshqa kishidan eshitgan hadislarini aynan uning o'z og'zidan eshitishni iltimos qildim va mazkur hadis juzlarini olmoqchi bo'lib hurjunimni ochdim, lekin afsuski, bu juzlar (qismlar, parchalar) yonimda yo'q, oq qog'ozlargina bor edi, xolos.

Men qo'limdagi oq qog'ozga qarab, Shayx aytgan hadislarini eshita boshladim. Birozdan keyin, Shayx mening qo'limdagi oq qog'ozni ko'rib: "Bu qilg'ing uchun mendan uyalmaysanmi?" – dedi. Men ma'zurona holda bor haqiqatni aytib: "Siz rivoyat qilgan hadislarining hammasini yoddan bilaman" dedim, – va uni birin-ketin so'zma-so'z aytib berdim.

Shayx esa so'zlarimga ishonqiramasdan: "Nima, mening huzurimga

kelishdan avval ularni atayin yodlagan edingmi?” – dedi. Men: “Yo‘q”, – deb javob berdim va: “Agar so‘zlarimga ishonmasangiz, boshqa hadislardan ayting”, – dedim. Shunda Shayx avval hech kim eshitmagan qirqta hadis aytdi. Men esa ushbu qirqta hadisning hammasini boshidan oxirigacha birma-bir aytib berdim. Birorta harfida ham adashmadim. Shunda Shayx: “Senga o‘xshaganini hech qachon ko‘rmagan edim”, – dedi».

Imom Buxoriy ham shogirdi Abu Iso Termiziyga yuqori baho berib: “*Sen mendan foydalanganingdan ko‘ra men sendan ko‘proq foydalandim*”, deb ta’kidlagan. Imom Buxoriyning shogirdi Imom Termiziyga bunday yuksak baho berishi Imom Termiziyning qan-

chalik darajada ilmga ega ekanini ko‘rsatadi.

Imom Termiziy merosi va mustaqillik. Mustaqillikdan so‘ng milliy qadriyatlarimiz, muqaddas dinimizga oid an‘analarning qayta tiklanishi xalqimizning ma‘naviy-ma‘rifiy yuksalishida muhim omillardan biriga aylandi.

Abu Iso Termiziy maqbarasi tarixi ayrim olimlarning fikricha, taxminan XI-XII asrlarga borib taqaladi. 1905-1909 yillarda Sherobod viloyatini boshqargan Mirzo Salimbek tomonidan Imom Termiziy yodgorligida ta‘mirlash ishlari olib borildi, xususan, unga ayvon qo‘shildi. Uning ma‘lumotiga ko‘ra, maqbaraga tutash masjid Mirzo Ulug‘bekning o‘g‘li Abdulatif Mirzo

tomonidan qurilgan. 1990 yilda O'zbekistonda Imom Termiziy tavalludining 1200 yilligi xalqaro miqyosda nishonlandi. Shu munosabat bilan va 2001 yilda Termizning 2500 yillik tadbirlari sababli Imom Termiziy maqbarasi va unga yondosh masjidida ta'mirlash ishlari olib borildi.

2016-yilda ziyoratgohni mutlaqo yangicha ko'rinishga keltirish ishlari boshlandi. Qisqa vaqt ichida ziyoratgohda besh yuz o'rinli masjid, kutubxona va kichik anjumanlar zali, erkaklar va ayollar tahoratxonasi, oshxona kompleksi, besh ayvon, jami 1,75 gektar maydonda katta hajmdagi ishlar amalga oshirildi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning 2017-yil 14-fevral kuni "Imom

Termiziy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga asosan, Termiz shahrida “Imom Termiziy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi”, 2020-yil 8-iyunda esa Termiz shahrida “Imom Termiziy” o‘rta maxsus islom ta’lim muassasasi tashkil etildi.

Imom Termiziyning “Sunan at-Termiziy”, “ash-Shamoil an-Nabaviyya”, “Ilal as-sag‘ir”, “Tasmiyatu ashobi rasulillah” (“Rasululloh safdoshlari”), “Jomi’ as-sunan” asaridan saylanma hadislar” kabi asarlari arab tilidan o‘zbek tiliga tarjima qilindi. Shuningdek, Imom Termiziy haqida “Termizlik ikki alloma”, “Muhaddis va faqih alloma”, “Imom Abu Iso Muhammad Termiziy”, “Imom Abu Iso Termiziy hayoti

va ijodi sahifalari”, “Imom Termiziy”, “Termizning bezavol qal’alari yoxud Termiz tarixi”, termiziylar merosi haqida “Termizlik allomalar asarlarining qo‘lyozmalari katalogi”, “Imom Termiziyning “Al-Jomi’ as-sahih” asariga kirish” va yana boshqa ko‘plab kitoblar nashr qilindi.

Bundan tashqari, Muhammad Termiziy merosini o‘rganish bo‘yicha ilmiy konferensiya va anjumanlar tashkil qilindi, ko‘plab maqola va ma’ruzalalar chop etildi. Maqolalar va tarjimalar nashrida Ubaydulla Uvatov, Mirzo Kenjabek, Jo‘rabek Cho‘tmatov, Jaloliddin Hamroqulov, Hamidulla Aminovlarning xizmatlarini alohida ta’kidlash lozim.

Xulosa

Abu Iso Termiziyning “Al-Jomi’ as-sahih”, “Ash-Shamoil an-Nabaviyya” hamda boshqa asarlarida keltirilgan hadisi shariflar katta tarbiyaviy ahamiyatga ega bo‘lib, insonlarni halol, adolatli, imon-e’tiqodli, diyonatli, pokiza, mehnatsevar, muruvvatli, rahm-shafqatli, ota-ona, ayollarga nisbatan hurmat-e’tiborli bo‘lishga chorlaydi.

Bu ibratli pand-u nasihatlar va o‘gitalar yosh avlodni tarbiyalashda beqiyos ahamiyat kasb etishini alohida ta’kidlash o‘rinlidir. Imom Termiziyning asarlari faqat diniy ilmlar majmuasiga oid bo‘lib qolmasdan, balki dunyoviy ilmlarga oid ma’lumotlarga ham boy-

dir. Masalan, uning shoh asari bo‘lgan “Al-Jomi’ as-sahih”da tarix, mantiq, huquqshunoslik, tabobat, ziroatga oid ko‘plab qimmatli ma’lumotlarni uchratamiz.

Buyuk bobokalonimizning hayoti va uning boy ma’naviy merosini chuqur va har tomonlama o‘rganish ham ilmiy, ham amaliy jihatdan katta ahamiyatga egadir.

Imom Termiziy haqida ulamolarning fikrlari

Muhammad ibn Iso Termiziy hadis ilmida ergashiladigan imomlardan biri. U kishi hadis, tarix, ilal ilmida kitoblar yozgan. Yodlash qobiliyati kuchliligi borasida hammaga namuna bo‘lgan.

*Abdurahmon ibn Muhammad
Idrisiy*

Abu Iso barcha bir ovozdan e’tirof etgan ishonchli muhaddis bo‘lib, omonatdor va olim sifatida shuhrat qozongan.

Abu Ya’lo Xaliliy

Imom Termiziy, shak-shubhasiz, o‘z asrining imomi (peshvosi) bo‘lgan.

Hadis borasida so‘zi hujjat bo‘ladigan insonlardan sanaladi. “Al-Jomi”, “At-Tarix” va “Al-Ilal” kabi asarlari uning naqadar yetuk olim bo‘lganini bildiradi. Shuningdek, zehn va xotirasi hammaning hayratiga sabab bo‘ladigan darajada o‘tkir va kuchli edi.

Abdulkarim Sam’oniy

Imom Termiziy hofiz bo‘lgan va u kishining “Jomi’ al-kabir” nomli hadis kitobi bor. U kishi fiqh ilmida ham o‘ta kuchli bo‘lgan.

Ibn Asir Jazariy

Hadis ilmida unga ergashiladigan ulug‘ imomlardan edi.

Abul Fido

Buxoriy vafot etganida o‘zidan keyin Xurosonda ilm, xotira, taqvo va zohidlik borasida Abu Isoga o‘xshagan biror kishini qoldirmadi. U shu darajada qattiq yig‘laganidan, hatto ko‘zlari ojiz bo‘lib qolib, bir necha yillar shu holida yashadi.

Umar Allak

Sen mendan o‘rgangan narsalaringdan ko‘ra men sendan o‘rgangan narsalar ko‘proq.

Imom Buxoriy

Imom Termiziy ilmni jamlagan, yozgan va yodida saqlagan olimlardan biridir.

Ibn Hibbon

“Jomi’ al-kabir” kitobi sahihligiga muhaddis-u faqihlar va barcha olimlar ittifoq qilgan besh kitobning biridir.

Is’ardiy

Abu Iso Termiziy o‘z zamonasining hadis ilmi borasidagi eng katta imomlaridan biri bo‘lgan.

Ibn Kasir

Muhammad ibn Ismoil Buxoriyning o‘zi ham u kishidan hadis rivoyat qilgan. Bundan ortiq faxr bo‘lmasa kerak!

Taqiyuddin Is’ardiy

Termiziyning hadis sohasida qilgan ishlarini boshqa kishi hali qila olmagan.

Abu Ja’far ibn Zubayr

U taniqli va peshvo muhaddislardan biri, Allohning musulmonlarga bergan ne'matidir.

Hofiz Abul Hajjoj Mizziy

Ibn Iso zamondoshlari orasida eng mashhur, kuchli xotira va mohirlikda esa mo'jiza edi.

Ibn Ammod Hanbaliy

Abu Iso Termiziy hujjat, imom va naziri yo'q ishonchli hofiz bo'lgan.

Mullo Ali Qori

Imom Termiziy tomonidan “Sunan at-Termiziy”da rivoyat qilingan hadislardan namunalar

Ayyub ibn Muso otasidan, u kishi esa otasidan rivoyat qiladi: «Nabiy solallohu alayhi va sallam: “*(Hech bir) ota farzandiga go‘zal odobdan afzal narsani bera olmaydi*”, dedilar».

* * *

Bahz ibn Hakim roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi: «Otam bobomdan shunday deganini aytdi: “Yo Allohning Rasuli, kimga yaxshilik qilay?” – dedim. U zot: “*Onangga*”, – dedilar. “So‘ngra kimga?” – dedim. “*Onangga*”, – dedilar. “So‘ngra kimga?” – dedim. “*Onangga*”, – dedilar. “So‘ngra

kimga?” – dedim. **“So‘ngra otangga, so‘ngra yaqiningga, so‘ngra yaqinlaringga”**, – dedilar».

* * *

Abu Hurayra roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi: «Nabiy sollallohu alayhi va sallam: **“Shak-shubhasiz uchta duo mustajob bo‘ladi: ota-onaning duosi, musofirning duosi va mazlumning duosi”**, dedilar».

* * *

Abdulloh ibn Amr roziyallohu anhu rivoyat qiladi: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: **“Kishining ota-onasini so‘kishi katta gunohlardandir!”** – dedilar. Sahobalar: “Yo Rasululloh! Kishi o‘zining ota-onasini ham so‘kadimi?!” – dedilar. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: **“Ha, bir kishining**

otasini so‘kadi. U ham buning otasini so‘kadi. Bir kishining onasini so‘kadi. U ham buning onasini so‘kadi”, – dedilar».

* * *

Anas ibn Molik roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi: «Rasulullohu sollallohu alayhi va sallam: **“Yosh yigit keksa kishini yoshi ulug‘ligi uchun hurmat qilsa, Alloh taolo uni ham keksayganida hurmat qilinadiganlar qatoriga qo‘yadi”**, dedilar».

* * *

Abu Hurayra roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi: «Nabiy sollallohu alayhi va sallam: **“Kim Allohga va qiyomat kuniga imon keltirgan bo‘lsa, yaxshi gap aytsin yoki jim tursin”**, dedilar».

* * *

Abu Hurayra roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi: «Nabiy sollallohu alayhi va sallam: **“Kim Allohga va qiyomat kuniga imon keltirgan bo‘lsa, mehmonini hurmat qilsin”**, dedilar».

* * *

Abdulloh ibn Amr roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi: «Nabiy sollallohu alayhi va sallam: **“Rohmanga ibodat qilinglar! Taom yediringlar! Salomni yoyinglar! Jannatga salomatlik bilan kirasizlar”**, dedilar».

* * *

Ali roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: **“Musulmonning boshqa musulmon ustida yaxshilik borasida oltita haqqi bor: agar uni uchratsa, salom beradi, chaqirsa, unga javob beradi,**

aksirsa, unga javob qaytaradi (aksa urib “alhamdulillah” desa, “yarhamukalloh” deb aytadi), kasal bo‘lsa, uni ko‘rgani boradi, vafot etsa, janozasiga qatnashadi va o‘zi uchun yaxshi ko‘rgan narsasini unga ham ravo ko‘radi”, dedilar».

* * *

Abu Zarr roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi: «Rasululloh solallohu alayhi va sallam: **“Qayerda bo‘lsang ham Allohga taqvo qil! Biror-bir yomon ish qilsang, uning orqasidan yaxshi ish qil. O‘shanda qilgan yaxshiliging uni o‘chirib yuboradi. Insonlarga go‘zal xulqing bilan muomala qil”, dedilar».**

Abdulloh ibn Amr roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi: «Rasululloh sol-

lallohu alayhi va sallam: **“Sizlarning yaxshilaringiz – xulqlari yaxshi bo‘lganlaringizdir”**, dedilar».

* * *

Abu Mas’ud Badriy roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi: «Nabiy sollallohu alayhi va sallam: **“Kim bir (kishini) yaxshilik tomon yo‘naltirsa, unga ham o‘sha yaxshilikni qilgan kishining mislicha (ajr) bo‘ladi”**, dedilar».

* * *

Abu Umoma Bohiliy roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi: «Nabiy sollallohu alayhi va sallam: **“Albatta, Alloh taolo, Uning farishtalari, osmonlar-u yerning ahli, hattoki uyasidagi chumoli va baliq ham odamlarga yaxshilikni o‘rgatuvchiga salavot aytadilar”**, dedilar».

* * *

Abu Hurayra roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi: «Nabiy sollallohu alayhi va sallam: **“Agar inson vafot qilsa, uchta amalidan boshqa hamma amali kesiladi: joriy sadaqa, manfaat olinadigan ilm yoki uning haqqiga duo qiladigan solih farzand”**, dedilar».

* * *

Abu Ayyub roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: **“To‘rtta narsa rasullarning sunnatlaridan sanaladi: hayo, xushbo‘ylik, misvok tutish va uylanishdir”**, dedilar».

* * *

Abu Hurayra roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi: «Nabiy sollallohu alayhi

va sallam: **“O‘zaro hadyalashingizlar, chunki hadya ko‘ngildagi g‘ashlikni ketkazadi”**, dedilar».

* * *

Abu Hurayra roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: **“Befoyda narsalarni tark qilish kishi islomining chiroyligidandir”**, dedilar».

* * *

Salmon roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi: «Nabiy sollallohu alayhi va sallam: **“Taomning barakasi, undan (taomdan) oldin va keyin (ikki qo‘l)ni yuvishdir”**, dedilar».

* * *

Ibn Umar roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi: «Nabiy sollallohu alayhi va sallam: **“Bir kishining taomi ikki**

kishiga kifoya qiladi. Ikki kishining taomi esa to‘rt kishiga kifoya qiladi. To‘rt kishining taomi esa sakkiz kishiga kifoya qiladi”, dedilar».

* * *

Solim roziyallohu anhu otasidan ri-voyat qiladi: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: ***“Qachon sizlardan biringiz yesa, o‘ng qo‘li bilan yesin. Qachon sizlardan biringiz ichsa, o‘ng qo‘li bilan ichsin. Chunki shayton chap qo‘li bilan yeb, chap qo‘li bilan ichadi***”, dedilar».

* * *

Ibn Abbos roziyallohu anhudan ri-voyat qilinadi: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: ***“Tuyaning ichishiga o‘xshab bir martada ichmanglar, ikki, uch martada ichinglar. Ichishdan ol-***

din tasmiya (“bismillah”) ayting, ichib bo‘lganingizdan keyin hamd (“alhamdulillah”) ayting”, dedilar».

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Abu Iso Muhammad ibn Iso at-Termiziy. Jomi' as-sunan. Saylanma hadislar. Tarjima va izohlari mualliflari: H. Aminov, M. Ismoilov, B. Abdullaev. – T.: “Movarounnahr”, 2017.
2. Abu Sa'id Abdulkarim Sam'oniyy. Ansob. – Bayrut: “Dor al-fikr”, 2009. J. 1.
3. Buyuk yurt allomalari. Tuzuvchi va nashrga tayyorlovchi: U.Uvatov. – T.: O'zbekiston, 2018.
4. Doktor Tohir Azhar Xaziriy. Tarjimonlar: S. Siddiqov, J. Shodiyev, U. Mirsodiqov. Imom Termiziyning “Al-Jomi' as-sahih” asariga kirish. – T.: “Movarounnahr”, 2017.

5. Jaloliddin Hamroqulov. Imom Abu Iso Muhammad Termiziy. – T.: “Movarounnahr”, 2017.
6. Jo‘rabek Cho‘tmatov. Imom Abu Iso Termiziy hayoti va ijodi sahi-falari. – T.: O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi nashriyot-matbaa birlashmasi, 2019.
7. Ibn Xajar Asqaloniy. Tahziyb at-tahziyb. – Bayrut: “Dor al-fikr”, 1984 J. 9.
8. Mirzo Kenjabek. Termiz tazkirasi. Buyuk termiziylar. – T.: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017.
9. Nuriddin Itr. Al-Imom at-Termiziy va al-muvazanatu bayna jami’ihi va bayna as-sahihayn. – Misr: Matbu-atu lajna at-ta’lif at-tarjima va an-nashr, 1980.

10. Odilxon qori Yunusxon o‘g‘li. Mu-haddis va faqih alloma. – T.: “Mo-varounnahr”, 2017.
11. U. Uvatov. Ikki buyuk donishmand (Abu Iso at-Termiziy, Al-Hakim at-Termiziy). – T.: “Sharq”, 2005.
12. U. Uvatov, I. Usmonov. Termizlik ikki alloma. Abu Iso Muhammad Termiziy, Hakim Termiziy. – T.: Toshkent islom universiteti, 2017.
13. Xayruddin ibn Mahmud Zirikliy Damashqiy. Al-a‘lom. Dor al-ilm. 2002. J. 2.
14. Халидов А. Б. Арабские рукописи и арабская рукописная традиция. – М., 1985.
15. Shamsuddin Zahabiy. Siyar a‘lom an-nubalo. – Bayrut: “Muassasa ar-risala”, 1993. J. 13.

16. Shamsuddin Zahabiy. Tazkirat al-huffoz. – Bayrut: “Dor al-kutub al-ilmiyya”, 1998. J. 2.

Ma'naviy-ma'rifiy nashr

Buyuk termiziylar

Imom Termiziy

Muharrirlar: Bobomurod ERALI
Surayyo SALOHUDDINOVA
Nilufar ABDURAHMONOVA

Sahifalovchi: Komiljon MAHMUD

Dizayner: Ravshan MALIKOV

Musahhiha: Nilufar ABLAYEVA

Nashriyot litsenziya raqami:
4555-535f-1ecd-eb6a-8a83-0410-7703 2020-07-27
Bosishga 2021-yil 29-noyabrda ruxsat etildi.
Ofset qog'oz. Qog'oz bichimi 60 x 84 ^{1/32}.
Harf garniturasini Times New Roman.
Ofset bosma usuli.
Hisob-nashriyot t.: 1,43 Shartli b. t.: 3,02.
Adadi: 1000 nusxa. 63/1-son buyurtma.
Bahosi kelishilgan narxda.

O'zbekiston musulmonlari idorasiga qarashli
"Shamsuddinxon Boboxonov"
NMIU da tayyorlandi va chop etildi.
Toshkent shahri, Zarqaynar 18-berkko'cha 47a-uy.
Elektron pochta: m-nashr@mail.ru
Tel: (0-371) 227-34-30